

Намозова Д.Т. , Носиров Д. Т.

**Мактабгача тълим
муассасаларида мусиқий
тълим методикаси**
(ҮҚУВ УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА)

Кўкон -2006

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар ҳозирги кун таълим жараёнида ҳам кузатилмоқда.

Республикамида “Таълим тўғрисида”ги Конун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Дастаннинг асосий талабларидан бири фанлар бўйича замонавий дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишдир.

Шу жумладан барча ўқув қатори, мусиқий таълим йўналиши бўйича ҳам ҳозирги замон талаби асосида янги ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Ушбу услубий қўлланмада байрам эрталикларига тайёргарлик услублари ҳам кўрсатилган.

Ушбу қўлланма педагогика институтининг мактабгача таълим кафедраларида, коллежларнинг мусиқий таълим ва мактабгача таълим йўналиш ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари мусиқа раҳбарлари фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи:

Намозова Д.Т

Носиров Д. Т.

Тақризчи:

Педагогика фанлари номзоди

доцент, Қирғизов И.

Педагогика фанлари номзоди

доцент, Толипов М.

Ушбу ўқув қўлланма институт услубий кенгашининг 28 мартағи йиғилишида муҳокама этилган.

КИРИШ

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисолада шу ҳақда фикр юритилган. Шунингдек, музика ёшларга эстетик тарбия беришда салмоқли ўрин эгаллаши фақат афсоналар билангина эмас, балки кундалик ҳаётимиздан олинган кўпгина мисоллар асосида баён этилган.

«Мен музикани шу даражада яхши қўраманки, ҳатто ижодий ишим ҳам, одатда, музика садолари остида бажарилади. Менимча, яхши, ёқимли музика ишга ҳалақит бермайди, аксинча, у кишига завқ бериб, рухини кўтаради, илҳомлантириб, қандайdir олижаноб дунёга олиб киради», - деб айтган Т. Н. Қори - Ниёзий.

Ким най, дутор танбур садосини ёқтиради, кимдир буларнинг бир-бирига жўр бўлганини хуш кўриб марок билан тинглайди. Ҳар бир музика асбобининг ўзига хос ўрни, фазилати бор. Масалан, отахон шоир Зокиржон Ҳабибий дуторни белини хизматга маҳкам боғлаган дўст, ҳамдард кишига ўхшатади. «Қайгуда ҳамингни олай, шодликда эса ҳар бир дам ғанимат, ўйнаб қол», - дея бир сафда ҳамнафас бўлиб туришини улуғлайди.

Айтишларича, най садосидан илон ҳамладан тўхтаб, бошини ҳам қилган, қароқчилар хужумига учраб, мол-дунёсидан ажраган сайёҳлар таскин топишган, қароқчилар эсаинсофга келиб, қилмишларига пушаймон бўлишган.

Най навосс кўпроқ хижрон азобига учраган ошиқнинг ноласига ҳамоҳангдек туюлади.

Дуторнинг майин ва ошифта, сеҳрли ва шикаста, мунгли ва жозибали садоси қулоққа чалинганда, у ҳақиқатан бизни бирор сир - асрордан хабардор қилмоқчи бўлади. ўз - ўзидан қалбларимиз эҳтиросга мойил бўлиб қолади. У садо кўнглингизни ром этдими, бас, энда қўлингиздан етаклаб аста - секин ҳаёт кўчаларига олиб киради. Сиз бирин кўриб ўйга толасиз, фикр қиласиз, бирини кўриб шукrona айтасиз. Шунда сиз ўзингизни ҳийла енгил ва хотиржам сезасиз.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШДАГИ БОЛАЛАР МУСИҚА ТАРБИЯСИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Мусиқа болага ҳар томонлама ёрдам бериши, теварак-атрофни образли - эмоционал идрок этиши ва бола характеристининг шакиллашишига таъсир кўрсатиши учун мусиқа тарбиясининг мақсадидан келиб чиқиб қуидаги

вазифалар қўйилади:

1. Боланинг мусиқавий қобилиятини ривожлантириш.
2. Болаларни ашула айтиш ва мусиқавий-ритмик малакаларга ўрганиш. Уларда мусиқани қабул қилиш, ҳис этиш ва тушуниш қобилиятларини тарбиялаш.
3. Болада бадиий - ижодий қобилияtlарни ривожлантириш. Бу вазифаларнинг ҳаммаси бир~бири билан ўзаро мустаҳкам боғланган.

Биринчи вазифани кўриб чиқамиз.

Мусиқавий деганда нимани тушуниш керак?

Бу сифат ўз ичига қимматли икки томонни олади:

- а) эмоционал жонкуярлилик - мусиқа асарининг унинг образли мазмунига алоқадор қайгура олиш қобилияти;
- б) Болаларга жуда нозик эшитишни, асарнинг мусиқа-тovуш материалини ажратишни таъминлайдиган мусиқа идроки ва мусиқавий қобилияtlарни ривожлантириш.

Мусиқавийликни ҳар иккала томони ҳам ажralmas бирликда туради ва бир вақтнинг ўзида тарбияланади.

Мусиқавийликнинг ривожланиши туфайли болалар мусиқа образларини - уларнинг атрофдаги қўшимча образларни болалар ёрқин ҳис эта бошлайдилар. Бу эса ўз навбатида, уларнинг теварак-атрофини билишда, эстетик баҳолашни тарбиялашда, бадиий дидни, мусиқага муҳаббатни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Боланинг мусиқавийлиги унинг актив мусиқавий фаолияти орқали тарбияланади. Педагог маниулотларда болалар диққатини ташкил этиш ва йўналтириш орқали қабул қилаётган нарсалар хақида ўйлаш, қизиқиш, таққослаш, қизиқиш уйютишга ёрдам беради.

Болаларда мусиқа мазмунига тушунарли муносабатда бўлиш пайдо бўлади, мусиқани тинглашга иштиёқ туғилади. Мусиқавий асарларни тинглаш болалар йиширокисиз бўлмаслиги керак. Мусиқа орқали бериладигай кайфият уларда жавоб қайғусини уйготиш керак. Эмоционал жонкуярликни тарбиялаш йўллари тулича. Моҳир методик усуслар орқали болаларни мусиқа асарларининг бажарилишига жалб қилиш мумкин: ашула айтиш, ракс, ўйинларга.

Эмоционал жоюсуярлик бўйича аввалги тажриба билан чамбарчас боғлиқ. Бола қанчалик таниш мусиқа асарини тингласа, шунчалик у мусиқавий фаолиятда актив ҳамда мақсадга қаралган ҳамда иштирок этади. Сұхбат мусиқага янада онглироқ муносабатда бўлишга ёрдам беради. Уйинчоқлар, расмлар шеърий ва образли сўзлар қўлланиши мусиқа орқали кўзғатилган куй огоҳликни чуқурлаштиради ва шу асосда мусиқани янада нозик тинглаш ортади. Ўз навбаттида улар боланинг актив фаолиятини ҳисоблаган қушиқ айтиш ва ҳаракатларида мустаҳкамлашади.

Болани мусиқавий асарларни идрок этиш тугрисидаги масалага тўхтаймиз.

Идрок санъати ўзидан кийин психологик фаолиятни намоён қилади, қайсики, интелектуал, билиш, эмоционал моментларни бирлаштиради. Мусиқа санъати асарларини тушуниш масаласи ўзидан ўзи келиб чиқиши мумкин эмас. Уни ўргатиш керак. Мусиқа асарларини идрок этиш ҳиссиётидан бошланади. Мусиқа асарларини идрок этиш эмоционал жонкуярликни вужудга келтиради. Боланинг бу ҳолатида унга таниш мазмун ва қувонч-идрок асосида эмоцияларнинг пайдо бўлишидир. Болаларда асарни тушуниб қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш зарур.

Мусиқани идрок этиш илк болалардан шаклланади. Тўпланган эмоционал мусиқавий таасуротлар қўшиқ айтишга, музыка асбобларини чалишга, бадиий халқ қўшиқлаини айтишга олиб келади.

Ҳиссиёт, эшитиш, идрокнинг ривожланиш асосида болаларда мусиқавий таасуротлар тўплана бошлади. 7 ёшли бола мусиқанинг мазмунига қараб қайғуради ва фикр юритади. Биз бола олдига мусиқани идрок этишнинг пайида бўлиши вазифасини қўямиз. Кейин эса ташқи таъсир этиш орқали мусиқавий таасуротларни йиғиндиши вазифасини.

Эстетик идрок - бу 2 асосий компонентлар йишиндисидир: эмоционаллик ва тушунарлилик. Лекин бунга яна хаёл ва ҳаракат моменти - ритм ҳам қўшилади.

Кейин мактабгача ёшдаги болалар таниш мусиқани биладилар, марш, пляска, алла мусиқаларни ажратади-лар, мусиқанинг сокин ва қувноқ ҳарактерини ажратадилар, лекин уни ёш хусусиятлари кучига кўра сўз орқали ифодалай олмайдилар. 4-5 ёшда болалар образларни деталлаштирадилар, мусиқанинг контраст ҳарактерларини қисман ажратадилар, мусиқа асарларининг ифодалилиги форма ва воситаларини тушунадилар. Педагогнинг савсли ва талабига сўз орқали жавоб қайтарадилар. 6-7 ёшли болалар қуйидаги терминлар орқали: кириш, куплет, бирга айтиш бўлим. темп ва бошқалар, дифференциялаштиришлари ва умумлаштиришлари мумкин. Улар мусиқа асарларининг ифодалилиги ҳарактер ва воситаларини тушунадилар ва ўйин образларига қарашади.

Шундай қилиб мусиқа идрокини тарбиялаш қуйидагича боради:

1. Мусиқа материалини ажратиб олиш.
2. Тарбия ва таълим методларини системалаштириш.
3. Ишнинг турли босқичларидан фойдаланиш.
4. Мусиқа асарларининг турли-туман тематикларидан фойдаланиш (ижтимоий, табиат, меҳнат, болалар турмуши, эртаклар).
5. Мусиқа асарининг образлар сони ва формасига қараб аста-секин муракқаблашиб бориши.

Мусиқани эмоционал учун унинг товуш материалини қабул қилишни билиш зарур, уни эшитиш, ифференциялашни билиш керак. Бу малака болалар билан мусиқа асарларини (оддийларини) анализ қилиш,

улар диққатини мусиқа ифодалилига воситалариға қаратиш йўли билан ривожлантирилди. Мусиқа асарларини анализ қилиш орқали бола мусиқани ўзига хос тилини ажратса бошлади -мусиқанинг характеридаги дунёдаги образлар билан боғлиқлик улар эмоционал кайфиятини (лирика, бардамлик, тантанаворлик ва бошқалар).

Педагог болаларда актив фаолиятни вужудга келтириш учун образли ва шеърий сўз орқали ашула, уйин, эшишиш учун пьеса сюжетини ёритади, болада пайдо бўладиган ҳаёлни кўзғайди, образларни чақиради, уни сюжет асосида фикрлаш ҳаракатих VI мусиқа асарини программасига жалб қиласди.

Шундай йуналишдан кейин мусиқани идрок этиш болада эмоционал тушунарли бўлади.

Сўз орқали натижани ифодалаш ва асарга баҳо бериш тарбиячининг моҳир раҳбарлиги остида аста-секин бадиий-мусиқавий дидни пайдо қиласди.

Шундай килиб, бадиий-мусиқавий дид қуидаги жараёнда шакилланади:

1. Мусиқа асарини тўлалигича идрок этиш.
2. Унинг маъносини тушуниб олиш.
3. Агар ўринли бўлса, бажариш.

Амалиётда у намоён бўлади:

1. Агар баҳосида.
2. Бадиий талабларга жавоб берадиган асарларни қабул қилишга интилиш.
3. Асар танлашда идрокда бадиийликни бошдан кечириш ва асарларни ижро этиш.

Вазифа: Мусиқавий деганда нимани тушунасиз? Эмоционал ҳиссият нима?

Болаларни педагогик актив фаолиятини вужудга келтириш учун нималар орқали қизиқтиради? Қандай бадиий асарларни биласиз?

Боланинг мусиқавийлиги унинг актив мусиқавий фаолияти орқали тарбияланади. Педагог машғулотларда болалар диққатини ташкил этиш ва йуналтириш орқали қабул қилинган нарсалар хақида уйлаш, қизиқиши, таққослаш, қизиқиши уйютишга ёрдам беради.

Болаларда мусиқа мазмунига тушунарли муносабатда бўлиш пайдо бўлади, мусиқани тинглашга иштиёқ -туғилади. Мусиқавий асарларни тинглаш болалар йиширокисиз бўлмаслиги керак. Мусиқа орқали бериладиган кайфият уларда жавоб кайгусини уйютиш керак.

Эмоционал жонкуярликни тарбиялаш йўллари тулича. Моҳир методик усуллар орқали болаларни мусиқа асарларинишиш бажарилишига жалб қилиш мумкин: ашула айтиш, ракс, ўйинларга.

Эмоционал жонкуярлик бўйича аввалги тажриба билан чамбарчас боғлиқ. Бола қанчалик таниш мусиқа асарини тингласа, шунчалик у

музиқавий фаолиятда актив ҳамда мақсадға қаралған ҳамда иштирок этади. Сұхбат мусиқага янада онглироқ муносабатда бўлишга ёрдам беради. Уйинчоқлар, расмлар шеърий ва образли сўзлар қўлланиши мусиқа орқали қузғатилған куй огоҳликни чуқурлаштиради ва шу асосда мусиқани янада нозик тияглаш ортади. Ўз навбатида улар боланинг актив фаолиятини ҳисоблаган қушиқ айтиш ва ҳаракатларида мустаҳкамлашади.

Болани мусиқавий асарларни идрок этиш туғрисидаги масалага тўхтаймиз.

Идрок санъати ўзидан кийин дсихологик фаолиятни намоён қиласди. қайсики, интелектуал, билиш, эмоционал моментларни бирлаптиради. Мусиқа санъати асарларини тушуниш масаласи ўзидан ўзи келиб чиқиши мумкин эмас. Уни ўргатиш керак. Мусиқа асарларини идрок этиш ҳиссиятидан бошлайади. Мусиқа асарларини идрок этиш эмоционал жонкуярликни вужудга келтиради. Боланинг бу ҳолатида унга таниш мазмун ва қувонч-идрок асосида эмоцияларнинг пайдо бўлишидир. Болаларда асарни тушуниб қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш зарур.

Мусиқани идрок этиш илк болалардан шаклланади. Тўпланган эмоционал мусиқавий таасуротлар қўшиқ айтишга, музика асбобларини чалишга, бадиий халқ қўшиқларини айтишга олиб келади.

Ҳиссиёг, эшитиш, идрокнинг ривожланиш асосида болаларда мусиқавий таасуротлар тўплана бшлиади. 7 ёшли бола мусиқанинг мазмунига қараб қайғуради ва фикр юритади. Биз бола олдига мусиқани идрок этишнинг пайида бўлиши вазифасини қурамиз. Кейин эса ташки таъсир этиш орқали мусиқавий таасуротларни йишиндиси вазифасини.

Эстетик идрок - бу 2 асосий компонентлар йишиндисидир: эмоционаллик ва тушунарлилик. Лекин бунга яна хаёл ва ҳаракат моменти - ритм ҳам қўшилади.

Кейин мактабгача ёшдаги болалар таниш мусиқани биладилар, марш, иляска, алла мусиқаларии ажратадилар, мусиқанинг сокин ва қувноқ ҳарактерини ажратадилар, **лекин** уни ёш хусусиятлари кучига кўра сўз орқали ифодалай олмайдилар. 4-5 ёшда болалар образларни деталлаштирадилар, мусиқанинг контраст ҳарактерларини қисман ажратадилар, мусиқа асарларининг ифодалилиги форма ва воситаларини тушунадилар. Педагогнинг саволи ва талабига сўз орқали жавоб қайтарадилар. 6-7 ёшли болалар қуйидаги терминлар орқали; кириш, куплет, бирга **айтиш** бўлиад, темп ва бошқалар, дифференциялаштиришлари ва умумлаштиришлари мумкин. Улар мусиқа асарларининг ифодалилиги ҳарактер ва воситаларини тушунадилар **ва ўйин** образлариға қарашади.

Шундай қилиб мусиқа идрокини тарбиялаш қуйидагича боради:

1. Мусиқа материалини ажратиб олиш.
2. Тарбия ва таълим методларини системалашти-риш.
3. Ишнинг турли босқичларидан фойдаланиш.
4. Мусиқа асарларининг турли-туман тематикларидан фойдаланиш

(ижтимоий, табиат, меҳнат, болалар турмуши, эртаклар).

5. Мусиқа асарининг образлар сони ва формасига қараб аста-секин мураккаблашиб бориши.

Мусиқани эмоционал учун унинг товуш материалини қабул қилишни билиш зарур, уни эшитиш, дифференциялашни билиш керак. Бу малака болалар билан мусиқа асарларини (оддийларини) анализ қилиш, улар диққатини мусиқа ифодалилиги воситаларига қаратиш йўли билан ривожлантирилади. Мусиқа асарларини анализ қилиш орқали бола мусиқани ўзига хос тилини ажратса бошлайди -мусиқанинг характеристидаги дунёдаги образлар билан бенслиқлик улар эмрционал кайфиятини (лирика, бардамлик, тантанаворлик ва бошқалар).

Педагог болаларда актив фаолиятни вужудга келтириш учун образли ва шеърий сўз орқали ашула, ўйин, эшитиш учун пьеса сюjetини ёритади, болада пайдо бўладиган хаёлни қўз!айди, образларни чақиради, уни сюжет асосида фикрлаш ҳаракатига мусиқа асарини программасига жалб қиласди.

Шундай йуналишдан кейин мусиқани идрок этиш болада эмоционал тушунарли бўлади.

Сўз орқали натижани ифодалаш ва асарга баҳо бериш тарбиячининг моҳир раҳбарлиги остида аста-секин бадиий-мусиқавий дидни пайдо қиласди.

Шундай килиб, бадиий-мусиқавий дид қўйидаги жараёнда шакилланади:

1. Мусиқа асарини тўлалигича идрок этиш.
2. Унинг маъносини тушуниб олиш
3. Агар ўринли бўлса, бажариш.

Амалиётда у намоён бўлади:

1. Агар баҳосида.
2. Бадиий талабларга жавоб берадиган асарларни қабул қилишга интилиш.
3. Асар танлашда идрокда бадиийликни бошдан кечириш ва асарларни ижро этиш.

Вазифа: Мусиқавий деганда нимани тушунасиз? Эмоционал ҳиссият нима?

Болаларни педагогик актив фаолиятини вужудга келтириш учун нималар орқали қизиқтиради? Қандай бадиий асарларни биласиз?

БОЛАЛАР МУСИҚАВИЙЛИГИ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР РИВОЖЛАНИШИННИНГ ЁШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақсад- талабаларни структура ва критериялари ва улар мусиқий ривожланиши ёш хусусиятларда таништириш.

Режа:

1.Мусиқавийликни аниқлаш орзуси. 1999 йил, Тошкент.

2.Болаларни мусиқавийлик структураси.

Мусиқавийлик умумий формаси структурасининг ўрнатилиши музиковий қобилият характерини белгилашга йўл очади.

«Мусиқавийлик - бу ҳақиқий инсонийлик хусусияти бўлиб, у умумий практика процессида қийинлашиб боради, у тарихан шартли: инсон доимо инсоний товушларни, табиатдаги турли нарсаларнинг, товушларини, уларни баландлиги ва узунлигига қараб ажратиб келинган. Доимий равишда ифодали интоноцияларни оддий музика образлари асосида ойдинлаштирилади, музика усулларини формалашти-радилар. Бу фаолият процессида музиковий қобилиятини вужудга келтирадилар».

Ўзбек мусиқашунослари инсон шахсининг хусусиятлари каби мусиқавийликни ҳам ягона йўлини белгилаб чиққанлар. Мусиқа таъсири остида кишида доимий равишда маҳсус эшитув ва эмоционал қабул қилиш тугиладики, у музиковий ривожланиш процессида чукурлашиб ва деформациялашиб боради. Мусиқавийлик ўзининг ягона биологик ва социал элементи бўлиши билан характерланади, унинг сифати кишининг маҳсус қобилиятларини бирга қўшилишга ва инсон шахсининг хислатларига, фазилатларига боғлиқ бўлади.

Мусиқавийлик мусиқавий фикрлаш яъни ориентирлаш ва мусиқавий ҳодиса сифатида юзага чиқади. Мусиқавийликни бош белгиси - мусиқавий кечинманинг айрим мазмунни ташкил этувчи асосий нарса ҳаракатнинг юксаклиги ва оҳангдорлигидир. Музиковий қобилиятлар комплекси каби характерланади.

Б.М.Теплов мусиқа фаолиятини мувоффақиятли қўлланиши мумкин бўлган 3 асосий формасини кўрсатади.

1. Мақом ҳиссиёти, куй товушларидаги мақом функцияларини эмоционал фикрлаш қобилияти, баланд товушли ҳаракат ифодалилигини эмоционал ҳис қилиш.

2. Эшитишига бўлган тасаввур қобилияти, ёки эшитиш қобилиятини мустақлл равишда қўллаш қобилияти бўлиб, куй ҳаракатлари ритмиклиги ва овоз баландлигини акс эттириш. Бу қобилият музика хотираси ва музиковий қабул қилишда асосий ядро бўлиб хизмат қиласди.

3. Мусиқавий — ритмик ҳиссиёт, мусиқани чуқур ҳис қилиш қобтлияти, мусиқавий ритм ифодалилигини ҳис қилиш ва ҳаракатда аниқ ифода этиш.

Ҳамма қобилиятлар эмоционал ва эшитув компонентларининг синтези сифатида характерланади. Уларнинг сенсор асоси асарни ритми, тембри, динамикаси, товушларнинг ўз ўрнида ишлатилиши, уларни билиш билан белгиланади. Мусиқа қобилиятининг сенсор асоси ҳақида гапирилганда шуни эсда сақлаш керакки, умумий сенсор тарбия - бу болаларни предмет ва тушунчаларни ҳамда турли муносабатларни педагогик ташкил қилишдир.

Мусиқавий сенсор тарбия бола ривожланишида жуда катта ўрин тутади. Мусиқани қабул қилиши сенсор процессларнинг умумий ва маҳсус группаларига бўлинади. Улардан биринчиси қабул қилишнинг мақсадга қаратилганлиги билан характерланади. Бу воситада мусиқавий ифодалилик турли-туман ва қийин алоқадорликда қурилади. Йккинчиси - процессларни бирлаштиради, айрим мусиқа товушларини қабул қилиш билан белгиланади. Спонсор қобилият яна музика материалини эштишда, мусиқа товушлари воситасини билишда ва уларни контраст ва йўлига қараб таққослашда кўринади. Мусиқавий - сенсор ривожланишда ашула, харакат, мусиқа асбобларини чалиш, мусиқавий дидактик ўйинлар ўтказилганда анча яхши натижа беради, мусиқавий педагогик ва психологик асарларда мусиқавийлик унинг комплектив ва куп қиррали қилиб белгиланади. Мусиқавийликнинг алоҳида компонентлари орасида ўзига хос алоқалар мавжуддир.

Мусиқавий сенсор қобилият деганда шуни тушинилади, унда қабул қилишнинг сифати усади, болаларни айрим мусиқа товушларини фарқлашга чақиради, Мусиқавий - сенсор қобилиятлар структураси компонентларига яна қўйидагилар киради.

- а) Мусиқа товушларининг турли-туманлиги:
- б) Уларни ифодали муносабатлари турлилиги:
- в) Мусиқа ҳодисалари сифатини текпшириш

Мусиқавий тушунчаларни текшириш воситаси тахминан қўйидагилар: Эштиш, мусиқа товушлари воситасини билиш, уларни йул контрастларига қараб таққослаш, комплексдан бошқа товушларни ажратиб олиш, уларни ифодали янграшини фарқлаш, ифодали - ритмик харакатлар ва бошқалар. Бирорта ҳам мазмуний қобилият практикаси йўқки, у сенсор тажрибасиз муомала қиласа. Мусиқавий - сенсор тарбия болаларни ривожланиш даражасини белгилайди, уларни янада эмоционалроқ қиласи, мусиқага тушуниб ёндошишга ўргатади, унинг жарангдорлигини, товушларнинг гўзаллигини ҳис қилишни мазмунини англаш билан биргалиқда булишини тушунишига ёрдам беради.

Мусиқавий - сенсор тарбия айниқса тарбия бериш ва ургатиш процессларини маҳсус ташкил қилишганда яхши натижа беради. Сенсор тарбия қўйидаги вазифаларни бажариш ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

1. Болаларни эштиш диққатини шакллантириш;
2. Уларни турли хил уйгунланган гормоник эштиш қобилиятларини ўстириш.
3. Товушларнинг қарама-қарши ва ўхшашлиги ўртасидага муносабатлар алмашинувини фахмлашга ўргатиш.

Мусиқавий товушларни текшириш қобилиятини ўстириш.

Академик Б.Асафьев, болаларни ўргатиш процессида шу нарсани сезган эдики, айрим болаларда мусиқавий қобилият аниқ кўринади, айримларда эса - мусиқага нисбатан илтифорлилик кўринади, уларнинг абсолют эштишлари ўтмаслашгани билан изохланади ва аксинча кучсиз эштиш музикага нисбатан чуқур ва қатъий қизиқишини кўрсатади. Б.М.Теплов мусиқавийлик проблемасини ҳар томонлама урганиб чиқади: бирмунча умумий ва бирмунча маҳсус моментларга ажратади. Умумий тушунча бойлиги ва

ташаббускорлигини, мусиқа тинглаётганда ғамга чўмиш каби эмоционал қобилиятни, дикқатни киритади. Махсус компонентларга эса исталган мусиқавий фаолиятларни бажариш пайтида қўринган ўзига хос сифатли махсус қобилиятларни киритади, Текширишлардан сўнг мусиқавийлик структурасини бирмунча умумий мусиқавий эстетик ва махсус қобилиятларга бўлиш мумкин. Умумий мусиқавий эстетик қобилият мусиқа асарларини ва мусиқавий фаолият жараёнида уларга нисбатан билдирилган эстетик муносабат билан эслаш, санъатни тушуниш, фикрлаш, ҳаяжонланиш процесслари билан характёрланади. Махсус қобилиятга номланган асосий мусиқавий қобилият ва уларнинг сенсор асослари киради.

Мусиқавийликнинг ҳамма компонентлари орасида мустаҳкам алоқа мавжуддир.

Н.А.Ватлугина мусиқавийлик структурасининг қўйидаги схемасини илгари суради:

Эшлиш компонент, мусиқавийлик, Эмоционал компонент Товуш муддати Товуш баландлигини сезиш

МУСИҚАВИЙ-СЕНСОР ҚОБИЛИЯТ

Товушнинг	Товуш	Товуш
баландлиги	тембери	кучи
Мусиқавий эшлиши	Ритм тушунчаси	хисси
Махсулдор фаолиятнинг қобилияти		
Ижодий ижро этувчанлик қобилият		
Уларни тўлароқ қўриб чиқамиз:		

1. Мусиқавийлик мусиқавий фаолиятни мувоффакиятли бажариш учун керак бўладиган сифат комилексларидан ташкил топади, унинг барча элементлари уларнинг структура муносабатларида кўринади.

2. Барча қобилиятлар эмоционал ва эшлиш көпонентларининг синтезлиги билан характерланади. Мусиқавий фаолият барча турлари эмоционал ранг-баранглик билан характерланади.

3. Эмоционал эшлиши көпонентлари базаси биргаликда иккита асосий мусиқавий қобилият ётади: қайғуриш қобилияти, фикрлаш, тасаввур қилиш ва баланд муносабатларни эслаш, қайғуриш қобилияти фарқни ажратиш, мусиқавий ритмни тасаввур қилиш ва эслаш. Бу икки асосий мусиқавий қобилият исталган мусиқавий фаолиятни бажариш пайтида доимо керак бўладиган нарсадир.

4. Мусиқавийлик қобилиятлар комплекси каби турли мусиқавий фаолият жараёнида кўринади. Масалан: мусиқавий идрок қилиш составига асосий мусиқавий қобилият ва бошқалар: ижро этиш учун восита - инструмент билан, овоз билан - мусиқа мазмуни кайфиятини ифодалашга ёрдам бериш, ҳаяжонли процесслар, ташаббускорлик, ижодий фикрлаш, техник қобилиятлар - қўшиқчи интоноциясининг тозалиги, мотор аппаратнинг пастлиги - киради. Ижодий қобилиятлар сосавига ижро этувчиликни характерловчи компонентлар: ифодалилик, тўғришк, самимийлик компонентлари ва унумли ижоднинг фарқланиши компонентлари киради.

Мусиқавийлик мусиқавий қобилият каби болада бошдан жуда примитив (күпол) бошланади ва турли мусиқавий фаолият жараёнида ривожланади. Бола ривожланишнинг биринчи этапларида унда барча асосий мусиқавий қобилиятлар кўрина бошлайди ва бирининг иккинчисидан устунлиги фақат кейинроқ маълум бўлади. Мусиқавий қобилиятларнинг айрим болаларда эрта пайдо бўлиши уларни зеҳнига боғлиқ деб аталади. Лекин бошқаларда кечроқ бошланиши уларнинг орқада қолиб кетишларидан далолат бермайди.

Вазифа: Мусиқавийлик деганда нимани тушунасиз?

Мусиқавий-сенсор деганда нимани тушунасиз? Мусиқавий-сенсор қобилиятни всим олдин суради?

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МУСИҚАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ МЕТОДЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Маҳсад - талабаларни мусиқий тарбиясининг методик усуллари билан таништириш

Режа:

- 1.Кўргазмалилик методи.
- 2.Сўзлаб бериш методи.
- 3.Амалий фаолият методи.

Мусиқа таълим мининг метод ва усулларини танлаш одатда мусиқавий тарбиянинг вазифаси ва мазмунига қараб белгиланади.

Мусиқавий тарбия методларининг танланиши болаларнинг қайси методларга таянган ҳолда билим олишларига ҳам боғлиқдир. Бунда биринчи манба мусиқанинг ўзи бўлиши табиий, чунки «фақат мусиқагина инсонда мусиқавий ҳиссиётларни уйғотиши мумкин». Бу борада болалар билан ишлаш, дастлаб, мусиқа тинглаш тажрибаси ва куникмасини орттириб боришга қаратилган булади. Болаларниг ёши қанчалик кичик бўлса, уларда мусиқа тинглаш тажрибасини орттиришга кетадиган давр ҳам шунчалик кўтт булади.

Билим олишнинг иккинчи манбай педагог сузидир: бу сўз болаларнинг мусиқавий образ ҳакида яхлит тассавурга эга бўлишни, музика асарининг мазмунини аниқ тушуниб олишини таъминлайди.

Учинчи манба болаларнинг бевосита мусиқа билан шугулланишидир, чунки мусиқа билан шугулланмасдан, уни машқ қиласдан, қўшиқ айтиш ва музикал-ритмик ҳаракатлар қилиш кўникмаларини юзага келтириш, шу соҳа билан боғлиқ билимларни ўзлаштириш ҳам мумкин эмас. Бииобарин, фақат практик фаолиятгина ҳар томонлама ривожланишга ердам беради, ижтимоий ҳодисаларга тўғри муносабатни тарбиялайди, ташаб бускор, онгли ва актив бўлишга имкон яратади.

Шундай қилиб, биз мусиқавий тарбия методларини танлашда - жонли кузатувдан абстракт фикрлашга ва ундан практикага қараб боришга таянамиз.

Мактабгача ёшдаги болаларга мусиқа таълими ва тарбияси беришнинг ўзаро узвий боғланган учта методи бор:

- 1) кўргазмали методи;
- 2) сўзлаб бериш методи;

3) амалий фаолият методи.

Бу методларнинг ҳар бири маълум специфик хусусиятлардан келиб чиқувчи қатор усулларни ўз ичига олади. Ўрганиш процессида улардан қайси бирини танлаш муайян мусиқа машғулотининг конкрет вазифаси, ижро этилаётган мусиқа материалининг мураккаблиги, ўқитишининг этаплари ва болаларнинг умумий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Болаларга турли методик усуллардан фойдаланган ҳолда мусиқавий таълим-тарбия беришда педагогик қўйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- а) болаларга тавсия этилаётган мусиқа материалининг бадиийлигини ва унинг сифати ижросини таъминлаш;
- б) муайян болалар коллективининг ўзига хослигини, унинг умумий ва мусиқавий тараққиёт даражаси, уюшқоқлигини ҳисобга олиш;
- в) мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқани образли ва аниқ идрок эта олишини эътиборга олиш;
- г) асар мазмунини ва мусиқавий ифода воситаларини болалар ҳиссиётини ва онгига етказа билиш;
- д) болаларни активлаштириш, уларнинг этиборини мусиқа садосига торта билиш;
- е) гаълим бериш жараёнида болаларда мусиқавий образни идрок этиш қобилиятини тарбиялаш.

Юқорида келтирилган методларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик:

КУРГАЗМАЛИ МЕТОД. Бу метод болаларга турли ҳодисаларни, атроф-мухитдаги воқеаларни, киши ва ҳайвонларнинг ҳиссиёти, ҳаракатни ёрқин ва бадиий образларда кўрсатишга, уларни ҳаёт ва турмуш жихозлар билан таништиришга асосланади.

1) эшитишига асосланган кўргазмалик. Бунда болани ўргатиш бевосита мусиқа эшитиш орқали бўлади. Мусиқа эшитиш маҳсус машғулот пайтида ёки бола томонидан қўшиқ ва мусиқавий-ритмик ҳаракатларнинг ижро этилиши пайтида бўлиши мумкин.

2) кўришига асосланган кўргазмалик. У мусиқа садолари билан қушиб олиб борилади. Бу усулга қўйидагилар киритилади: қўшиқ айтиш усуллари, йўлларидан, турли ўйин, рақс, машқ ҳаракатларидан намуналар кўрсатиш; муайян музика асари билан бөглиқ ўйинчоқларни, расм, костюм ва бошқа предметларни кўрсатиш ва ҳ.к.

СЎЗЛАБ БЕРИШ МЕТОДИ. Бу метод бола онгига мўлжалланган бўлиб, унинг фаолиятини маъноли ва мазмунлдор қилишга қаратилади. Бунда педагогнинг сўзи мусиқа асарининг программасини тушуниб олишда болага ёрдам беради: унинг тасаввурини жонлантиради, ижодий активлигани оширади.

Сўзлаб бериш методини қўйидаги усуллари бор:

1)тушунтириш. Бу усулдан янги асарни тинглаш, қўшиқ айтиш, ўйин ва рақсларни қўйиш, машқ қилиш пайтида фойдалнилади. Тушуктириш аниқ ва қиска, ортиқча қайтариқларсиз бўлиши керак. Мусиқа материал ва топшириқлар болалар томонидан ўзлаштирила бошланган дастлабки (биринчи) даврда тушунтириш яна бир бор такрорланади. Образли ҳикоя қилиш типидаги

тушунтиришлар программали мусиқа асарларини тинглашда ва сюжетли мусиқавий ўйинларни ижро этишда қўлланиши мумкин. Образли ҳикоя болаларнинг қизиқишини, уларнинг эмоционал кечинмаларини қучайгиради, образларни англаб олиш қобилиятини орггиради, тасаввурни ривожлантиради. Образли ҳикоя мусиқа асарининг сюжет йўли ривожига айнан мос бўлиши керак. Қуйида композитор Е.Тцлдчёванинг «Қуёнча» ва «Айик» асаридан «Қуён» ва «Айик» мусиқасини сюжетли ижро этиш бўйича образли ҳикоя қилишга мисол келтирамиз: «Ўрмонда қиш тонги. Ялангликда қуёнлар чопишиади, айланишиади, сакраб-сакраб ўзларини иситишиади, Улар ўйинга шу даражада берилиб кетишиди, ҳатто ўз уясида ухлаб ётган айиқни уйғотиб юборишиди. Айик ўрнидан туриб, уйқусига ким ҳалақит берадиганини кўргани кетди. Қуёнлар айиқни кўриб тумтарақай қочишиди, буталар орасига беркинишиди. Айик кетгандан сўнг яна ялангликка чиқиб сакрай бошлишди»;

2) изоҳлаш. Бундай изоҳлар ижро, рақс, машқ ҳаракатларни, қўшиқ айтишнянг турли йўлларини кўрсатишда қисқа ва аниқ формада берилади. Изоҳларнинг ноаниқ бўлиши кўғшинча тушунмасликка ва ёмон ижро этишга сабаб бўлади. Изоҳлаш кўрсатиш билан узвий bogланган бўлиши керак. Педагог болаларни изоҳни охиригача тинглашга ўргатади. Масалан, болалар бирор нарсани ўрганиш жараёнида педагог кўрсатаётган ҳаракатларни у билан изма-из тақрорлай бошласа, педагог уларга «ҳаракат қилмай, эътибор билан тингланг ва бу ҳаракатларнинг қандай бажарилишини олдин кўриб олинг» дейди, қўшиқ айтиш ўргатилаётган булса (масалан, «Котя, Котёнка, Коток») ва бунда чўзиқ ноталарни қандай айтиш кераклиги тушунтирилиши лозим бўлса унда педагог болаларга «қани, келинг, ўзимизни бир тинглаб кўрайлик, охирги нотани ҳамма чўзиб куйлаганмикин, котик ҳам эшитсин учун бу нотани узоқ чўзишдимикин» деб изоҳ беради;

3) кўрсатма бериш. Кўрсатмалар одатда болалар турли ўйин, рақс ва машиқларни бажараётган пайтда берилади. Масалан, «Ўнг елка томондан айланиш керак», «Оёқ бармоқларини пастга чўзинг» каби. Бундай кўрсатмалар у ёки бу ҳаракатни қандай бажариш кераклигини англаб олишга, ҳаракатларни бажариш усуллари билан боғлиқ тушунчаларни аниқлашга ёрдам беради;

4) поэтик нутқ. Программали мусиқа асарини ижро этишдан олдин кичикроқ прозаик ёки поэтик асарни ёхуд улардан бирор парчани ўқитиш (ўқиб бериш) болаларнинг мусиқа асари образини чуқурроқ ҳис этиш ва тупгуниб олишга ёрдам беради. Масалан, П.И.Чайковскийнинг «Тўргай» («Жаворонок») асарини ижро этигидан олдин болаларга В.А.Жуковскийнинг қўйидаги тўртлигини ўқиб бериш мумкин:

Күёшда қора ўрмон қизғиши тус олди, Водийдаги сийрак буғ бир оз оқаргай. Шунда тонг қўшигини куйлашга тушди, Мовий осмонда учган овоздор тўргай.

Баъзан янги қўшиқ тинглашдан олдин педагог қўшиқ текистини болаларга ўқиб бериши ҳам мумкин;

5) сухбат. У одатда мусиқа тинглаб бўлганидан сўнг ўтказилади. Сухбат жараёнида болалар мусиқадан олган таъсуротлари ҳакида гапиришиади, унда ифодаланган образлар ва ходисаларга муносабат билдиришиади, унда

ифодаланган образлар ва ҳодисаларга муносабат оилдиришади, баҳо беришади. Болалар билан ўтказиладиган сұхбатлар қисқа лўнда ва таъсирчан бўлиши керак;

6) болалар билан ўтказиладиган сұхбатлар доимо саволлар ёрдамида бўлади. Педагог асар мазмуни билан боғлиқ ҳолда болаларга саволлар берар экан, бу саволларни ортиқча деталлаштирмаслиги қерак. Саволлар ёрдамида бадий образнинг мазмуни, ҳарақтери ойдинлаштирилади, мусиқа асарларининг таъсир кучини таъминловчи форма ва воситалар аниқланади. Масалан, рақс куйи ижро этилгандан сўнг педагог болалардан «Мен ижро қилган куй рақс куйими ёки маршми?», Бу мусиқанинг ҳарактери қанақа?», «.Бу куйга қандай ҳаракат мос келади?» деб сўраши мумкин;

7) танбеҳ бериш. Бу усулдан боланинг маълум сабабларга кўра диққати бўлинганда ва хаёли асосий вазифадаи четга чиққанда фойдалаўнидади. Танбеҳ бериш жиддий бўлиши, аммо одоб доирасидан четга чиқмаслиги керак.

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ МЕТОДИ. Болаларнинг конкрет фаолияти маълум мақсадларга йўналтирилган ҳамда системали машғулотлар тарзида олиб бориладиган таълим-тарбия сифатида қаралади.

Қўшиқ айтиш ва музикал-ритмик ҳаракатларни бажаришда болаларга шундай раҳбарлик қилиш керакки, улар топширикни мумкин қадар таъсирли ва ифодали қилиб бажаришга интилишсин. Болаларни ўргатиш жараёнида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб топширикларни аста-секин мураккаблаштириш мумкин. Бундай мураккаблаштириш болаларнинг кўникма даражасига ва таълим программасига хилоф бўлмаслиги керак. Баъзи қийин ҳолатларга дуч келганда эса болалар билан алоҳида индивидуал ишлаш тавсия қилинади.

Мусиқавий тарбиянинг барча методларидан педагог бир бутун система сифатида фойдаланади. Сўз болани асарнинг мазмунини хис этишга ва тушинишга ундейди, мусиқа эса болада пайдо бўлган тассуротни эмоционал жиҳатдан чуқурлаштиради. Мусиқа хиссиётга қиласи, айни пайтда фикр ҳам туғдиради. Фикр эса конкрет . чларсиз ялонғоч ҳолда бўлмайди.

Болалар музика асарини, айниқса, программасиз (маълум сюжет мазмунига эга бўлмаган) асарни тушуна олиши учун педагог мусиқани идрок қилиш, хис этиш процессида бевосита бошчилик қилиш, бунинг учун мусиқа асарининг мазмунини тушунтириб бориши, бадий образларни тушунтиришда эса ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши керак. Сўз ва мусиқа бола фаолиятини йўналтириб боради. Масалан, педагог қўшиқ айтишнинг баъзи усулларини болаларга кўрсатиш ва тушунтириш билан бирга баъзи фразалар, нақорот ёки свозларни эшиттириб ҳам беради. Маълум мусиқа-ритмик топширикни ўзлаштириш ва бажариш учун болалар шу мусиқа ва тоншириқни эшитибгана қолмай, балки унинг қандай ижро этилишини кўриши ҳам керак. Мусиқа асарларининг бадий образи шу даража таъсирчан бўладики, педагог тушунтириш жараёнида бу образ таъсирини сўндиримаслиги, мусиқа асарининг мазмунини птаюхан узид қўймаслиги, балки аксинча юксак педагогик тект ва маҳорат билан уни янада чуқурлаштириш ривожлантириши керак. Буни

музиқавий тарбия методларидан аралаш фойдаланганда доимо ёдда тутиш зарур бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, мусиқа асбоби билан чалинадиган куйни тинглашдан олдин педагог томонидан сўзланадиган тушинтариш нутқи поэтик, образли ёки шархловчи характерда бўлиши мумкин. Кўшиқ айтишга ўргатиш жараёнида сўзланадиган нутқ мазмуни мусиқа ва адабий текстларнинг узвий боғлиқлиги билан белгилангади. Кўшиқ адабий текст орқали ўз мазмуни ҳақида ўзи маълумот беради, шуниси билан мусиқа асбобида чалинадиган куйдан фарқ қиласи. Шунинг учун педагогнинг қўшиқ ҳақидаги кўрсатма ва сұхбатлари шу қўшиқнинг бадиий образига мос бўлиши керак. Кўшиқнинг адабий тексти, айниқса у мураккаб поэтик оборотлардан таркиб топган бўлса, алоҳида тушунтиришни талаб қиласи. Маълум мусиқа асари бўйича болалар билан ишлашнинг мақсадга методик усусларини топиш учун педпгог бу асарни яхши билиши, бадиий таъсир воситалари билан танишиб чиқиши, асар мазмуни ва характеристини чукур урганган бўлиши шарт. Шундагина мусиқа ижросида болаларнинг англаб олишини таъминловчи оддийлик ва таъсирчанликка эришиш мумкин бўлади.

Энди мактабгача ёшдаги болаларни мусиқага ўргатишнинг қандай этаплари борлигини кўздан кечирайлик:

1-этап - мусиқа асари билан дастлабки танишиш этапи. Асар билан дастлабки учрашув пайтида (1-этапда) қўшиқчининг овози ва мусиқа асбобининг садоси ҳамда машқ ёки рақс пайтидаги ҳаракатлар бола идрокининг обьекти бўлади. Бу этапда болани мусиқа асари билан таништириш, уни мусиқа тинглашга, мусиқада ифодаланаётган ҳис-туйғуларга ҳамдард бўлишга эришиши асосий мақсад қилиб олинади. Мусиқани тинглай олишга ўргатишнинг биринчи этапида болаларда мусиқа асарига қизиқиш уйғотиш иррадацияси содир бўлади. Бу пайтда болаларнинг умумлаштириш ва фарқлай олиш қобилияти ҳам анча кучсиз бўлади. Янги мусиқа материалини ўзлаштиришда эшлиши, кўриш ва ҳаракат қилиш анализаторлари қатнашади. Бу этапда боланинг бош мия қобиги унга таъсир қилаётган ҳодисаларни вақтинча ўзаро боғлай олиш мумкин, шунинг учун ҳам материални парчаларга бўлмасдан яхлит ҳолда берган мақкул. Уларни парчаларга ажратиб ўргатиш вазифаси иккинчи этапга қолдирилади. Педагог ҳаракатларни бевосита мусиқа садоси ёки куй жўрлигига кўрсатади. Янги қўшиқни ўргатиш жараёнида педагог баъзи қуни турли мусиқа асбобларида чалдириб, шу асбобларда ижро этилган куйни ўзаро таққослайди, шу йўл билан унинг хотирада яхши ўзлашиб қолишини таъминлади. Биринчи этап унча катта бўлмаслиги - бир ёки икки машғулотдан ортмаслиги керак. Бунда музика тинглаш, қўшиқларни ижро этиш ёки мусиқа-ритмик ҳаракатларни бажаришдан, образли ва поэтик нутқдан намуналар кўрсатиш, болалар билан савол-жавоб орқали сұхбатлашиш, педагог томонидан тақдим этилган материални болаларга бажартириб кўриш каби усуслардан фойдаланилади.

2-этап - қўшиқ ёки мусиқа-ритмик ҳаракатларни ижро эта оладиган бўлишни шакллантириш, идрок қилиш этапи. Иккинчи этапнинг вазифаларига куйидагилар киради: мусиқани чуқур идрок этиш учун зарур бўлган қувноқ меҳнат шароитини яратиш, ўз-ўзини назорат қила олиш, қўшиқ айтганда овоз

меъёрини ва эшитишни уй[^]унлаштира билиш ёки, рақс ва машқларда эшитиш билан ҳаракатни ўзаро уйгунаштира олиш қобилиягини тарбиялаш, бунинг учун узлуксиз машгулотлар ўтказиб туриш; топшириқларни тўғри ва аниқ бажара оладиган бўлишларига эришиш. Бу этапда болалар ижросида учрайдиган барча камчиликлар аниқланади ва тузатиб борилади. Ўргатишнинг иккинчи этапида педагог материални қайта-қайта мустаҳкамлайди, натижада болаларнинг бош мия қобигида қўзгалиш (уйғониш) концентрацияси анча кучаяди, улар аста-секйн топшириқни тўғри бажара оладиган бўлиб боришади. Умуман, бундай билимнинг шаклланиши этапи узоқ вақт давом этади. Масалан, болалар баъзи қўшиқларни 9-12 машгулотдан сўнггина мустақил равиша таъсирли қилиб айтадиган бўлишади.

Иккинчи этапда қўлланадиган методик усулларга қўйидагилар киритилади: мусиқани қайта тинглаш, қўшиқ ижросида еки мусиқа-ритмик ҳаракатлардан намуналарни қайта кўрсатиш, қўшиқ ойтитнинг ёки ўйин-рақс ҳаракатларининг баъзи усуллари ва Й5гларини кўрсатиш, болалар билан сұхбатлашиш, уларга салом беркш, образли ва поэтик нутқ, турли кўрсатмалар, изоҳлар, танбехлар, топшириқни бажариш усулларини қайта машқ қилдириш ва ҳ.к. Хуллас, бу этапда ўргатишнинг барча усулларидан фойдаланиш мумкин булади.

З~этап - куникмалар ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш этапи. Бунда топшириқни автоматик равиша бажара оладиган, қушиқ, уйин рақс ва машқларни мустақил ижро этадиган даражага эришилади.

Учинчи этапда кузатилган мақсад топширшуширни эмоционал-таъсирчан қилиб бажаришга ўргатишдан, болаларда мустақилликни, ижодий активликни ривожлантиришдан иборатдир. Бу этапда болаларда диференцияловчи (фарқловчи) тормозланиш юзага келади, иккинчи этапда олинган ва педагогик томонидан қайта-қайта тушунтирилган материалдан ва машқлардан учинчи этапда мустаҳкам қўникма ҳосил булади, кераксиз, ортиқча нарсалардан тормозланади. Шундай қилиб, шартлм рефлексларнинг бир бут[>]тн системаси юзага келади, қуилаш ва мусиқа-ритмик ҳаракатларни ижро этиш билан боғлиқ топшириқларни бажаришда изчилликка эришилади. Эшитиш ва қўраш назорати билан мустаҳкамланади, тўлдирилади. Боланинг у ёки бу топшириқни бажариш усули автоматлашади, айни пайтда, у уз олдига қўйилган вазифани онгли равиша идрок қиласида ва ҳосил булган кўникмага таянган ҳолда ижодий активликка ҳам интилади.

Болалар билан ишлашнинг учунчи этапида педагог куй ва мусиқа-ритмик ҳаракатлар ижросини такомиллаштиради, уларда мусиқани идрок этиш қобилиягини тарбиялашда, муайян мусиқа асарининг бадиий хусусиятларини тушунтиришда давом этади. Болаларга топшириқлар оғзаки берилади. Баъзан вазифани қўрсатиш учун болалар чақирилади. Учинчи этапда педагог ўйин вариантиридан фойдаланади, топшириқларни бир оз ўзгартириб мураккаблаштиради, шундай қилиб болаларни ижодий активликка даъват этади, бунда ўргатишнинг турли-[^]гуман методларидан фойдаланади. Шундай қилиб мактабгача ёшдаги болаларга музика таълими бериш турли методик усулларнинг барчасидан фойдаланишини тақозо қиласи.

Энди метод ва методик усуллардан турли ёшдаги группаларда қандай фойдаланиш кераклигини күриб чиқайлик.

Кичик ётддаги группа. Бу группада сўзлаб бериш методини қўллашда педагог кўпроқ тушунтириш усулидан фойдаланади. Тушинтириш аниқ бўлиши керак. Масалан, болалар «Бармоқлар ва қўллар» ўрганмоқда (халқ мусиқаси, куйи А.Қодиров томонидан қайга ишланган). Бундан педагог баланд овозли музикага икки қўлнинг кафтларини бир-бирига уриб чапак чалиш кераклигини, паст овозли музикага эса бармоқларни бармоқларга аста-секин уриш лозимлигини тушинтиради. Қайта ижро этилган педагог стулчаларда ўтирган болаларга паст овозли мусиқада бармоқларни бармоқларга уришни, баланд овозли мусиқада эса чапак чалишни таклиф қиласи, огу билан тушинтириш ва амалий фаолият ўзаро қўшиб бажарилади, болаларнинг вазифани яхши узлаштириши ҳам таъминланади. Кўрсатмалар болалар ўйинга ёки рақсга тушаётганда бериб борилади. Масалан, байроқчалар билан машқ бажарилаётганда мусиқа раҳбари «Болалар, байроқчаларни Азиза Ахмедовна тутганидек тўғри тулинг» - деб кўрсатма беради. Кичик ёшдаги группада поэтик нутқ ҳам кенг кудланилади. Масалан, «Мушук» деб номланган қўшиқни (В.Вялшин мусиқаси) ижро этишдан олдин «кул ранг мушукча ойна ёнида мағур ўтиради, думини ликкиллатиб, болаларни кутарди» деган мисраларни ифодали қилиб ўқиб бериш мумкин.

Тинглаш пайтида ҳам, ўйин, рақс ва машқлар ўрганаётганда ҳам педагог болалар билан суҳбатлашиб туради, уларга «музиқанинг характеристи қанақа?, мусиқани суръати тезми ёки секинми?, бу мусиқанинг муқаддимаси борми?» тарзда саволлар бериб боради, бу саволларга кўпинча ўзи жавоб қайтаради, чунки болаларнинг тажрибаси, мусиқа соҳасидаги билим етарли бўлмаганидан улар юқоридаги саволларга мустақил савол-жавоблар жараёнида болаларни мусиқа терминалогияси билан мумкин қадар таништириб бориши керак, бу ҳол уларнинг келажак терминалогиясидан мустақил равишда фойдалана оладиган бўлишлари учун замин ҳозирлайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, болаларга берилаётган саволларнинг мазмуни уларга тушунарли бўлиши керак. Масалан, «Мушукча (В.Вялшин мусиқаси) қўшиғи тинглангандан сунг, педагог болалардан қўшиқда нима хақда гапирилганини, мушукча нима қилганини, у кимни кутганини сурайди. Образли ҳикоядан кичик ёшдаги болалар группаларида анча кенг фойдаланилади. Бундай ҳикоя одатда сюжетли уйин ижросидаи ва программали мусиқа тинглашдан олдин бўлади.

Болалар билан ишлашда кўргазмалилик усулларига, айниқса, эшлишга асосланган кўргазмалиликка катта ўрин берилади. Бусиз таълимнинг кўргазмалилик методи деярли қўлланмайди. Болалар ижро этиши керак бўлган ҳар қандай мусиқа асари аввал педагог ижросида тингланади. Кичик ёшдаги болалар группасида кўришга асосланган кўргазмалиликка ҳам кенг ўрин берилади. Шу мақсадда машғулотларга расм ва ўйинчоқлар олиб кирилади. Бундай машғулотлар одатда ўйин тарзида ўтказилади. Масалан, янги йил байрамидан сўнг группага кичкина арча билан ўйинчоқлар олиб кирилади. Мусиқа раҳбари: «Қор бобо бу арчани бизга совға қилиб қолдирган. У жуда меҳрибон. Қани қор бобо ва арчажон хақидаги қўшиқни бир тинглайликчи! Бу

қўшиқни қор бобонинг ўзи келтирган» дейди. Бундан ташқари, болаларни куйлашга ва мусиқ-ритмик харакатларга ўргатиш пайтида педагоганинг ўзи қушиқ айтиш усуллари ва ҳаракат усулларини кўрсатади. Болаларнинг куйлаш санъати, мусиқа -ритмик харакатлари бу даврда ҳали анча номукаммал бўлади, уларда катталар ижросига тақлид сезилиб турари ўрта_ группа Бу группада сўзлаб бериш методи ўз ичига куйидаги усулларни қамраб олади:

1) Тушунтириш. Бу усул ўрта группада анча кенгайтирилган тарзда оўлади. Масалан, «Пуржинка» номли асарни машқ қилиш пайтида мусиқа раҳбари болаларга қараб «мусиқанинг биринчи қисмида биз тиззаларни букиб ўтирамиз, пуржинка бўлади унда музика секин чалинади, мусиқакнинг иккинчи - кучли садоли қисмида биз турган жойимизда икки оёқлаб енгилгина сакрай бошлаймиз» дейди;

2) Изоҳлаш. Масалан, болалар белгиланган вақтдан олдин қўшиқ айта бошлаеа, педагог хамма баравар қўшиқ. айта бошлаши учун олдин муқадимнинг сўнги акордини тинглаб бўлиши, шундан сўнг қўшиқ айта бошлаши керак деб изоҳ беради;

5) Кўрсатма бериш. Бу усулдан болалар ҳаракатда бўлган пайтда фойдаланилади, Масалан, болалар марш садосига юраётганда педагог: «Илхом, елкангни тугри тут», «Нодира, мусиқага эътибор қил» деб кўрсатма бериш мумкин;

4) Поэтик нутқ. Бу усулдан одатда қўшиқ айтишдан олдин тез-тез фойдаланиб турилади. Масалан, «Қиши ўтиб кетди» қўшигини (Н.Метлов мусиқаси) айтишдан олдин шу қўшиқ текистидан куйидаги парчани ифодали қилиб ўқиб бериш мумкин:

Қайин шохдан чаққон,
Ерга сакради чумчук,
Йўқдир бўлак изғирин,
Сайрайман «чуруқ-чуруқ».

5) Ўрта группа болаларининг фикр доираси анча кенг, сўз бойлиги бир мунча кўп бўлиб, улар мусиқа билимидан ҳам маълум тажрибага зга бўладилар. Шўнинг учун мусиқа асари тинглаб бўлингандан сўнг, улар билан кенгайтирилган сухбат ўтказилади. Масалан,

А.Филлипенконинг «Қиши келди» қўшиги тинглангандан сўнг қуйидаги сухбат ўтказилади: Қўшиқда нима хақида гапирилған?, қўшиқда муқаддима борми?, қўшиқнинг характеристи қанақа?, қўшиқ суръати тезми ёки секинми?, ва ҳ.к.

Сухбат одатда саволлар ёрдамида ўтказилади. Баъзан саволлар болаларга қўшиқ тинглашдан олдин, ҳатто топишмоқ тарзида берилиши ҳам мумкин. Масалан, мусиқа раҳбари болаларга: «Мен қўшиқнинг муқаддима қисмини чаламан, сиз эса бу қўшиқнинг қандай номланишини эсланг» деб тошнириқ беради.

Эшитишга асосланган кургазмалилик (бадиий-мусиқа асарини идрок этиш) кичик ёшдаги болалар группасида қандай ўрин тутса, ўрта группада ҳам шундай ўрин тутади. фақат асарнинг ўзи, унинг шакли, характеристи, ифода воситалари бирмунча мураккаблашган бўлади, холос. Кўришга асосланган

кўргазмалилик ҳақида хам шуни айтиш мумкин. Аммо ўрта группада қўшиқ айтишдан ёки асар ижросидан олдин ўйинчоқларни кўрсатиш бирмунча камайтирилиб, болаларнинг амалий фаолиятига кўпроқ эътибор берилади, улардан сұхбат пайтидаги саволларга аниқроқ жавоб берилиши, ўйин ва рақс ҳаракатларнинг аниқроқ бажарилиши талаб этилади.

Катта ва мактабга тайёрлов группалари. Бу группаларда биз кўпроқ бола онгига таяниб. сўзлаб бериш методи ва унинг барча усулларини қўллаймиз, қиска ва аниқ тушунтиришлар берамиз. Масалан, мусиқа раҳбари болаларга «Ким тезроқ?» (А.Шварц мусиқаси) ўйинини ўйнаймиз - дейди. Мусиқа тинглаб бўлингач, болалар мусиқа асарини таҳлил қилишади, мусиқа неча қисмдан иборатлиги, характеристири ҳақида тушунчаларини айтишади, шундан сўнг педагог қоидаларни тушунтиради. Бунда тез-тез изоҳлардан фойдаланиб, намуналар кўрсатади. Болалар бундай тушунтириш ва изоҳларни охиригача тинглашлари керак. Масалан, юкорида айтиб ўтилган «Ким тезроқ» ўйинида (А.Шварц мусиқаси) педагог «Бошловчи доирачага икки марта уриши керак» деб тушунтиради ва узи қандай урушни кўрсатиб беради.

Кўрсатмалар болалар бирор ўйин ёки машқ бажараётганда ҳамда маълум бир вазифани бажаришга тайёргарлик кўраётганда берилади. Чунончи, қўшиқ айтишдан олдин педагог «Болалар туғри ўтиринг, ҳозир қўшиқ айтамиз» деб кўрсатма бериши мумкин,

Поэтик нутқ мусиқа асари образни идрок этиш ва ойдинлаштиришга ёрдам беради, шунинг учун ундан хам тез-тез фойдаланиб турилади.

Вазифа: Кўргазмали методга нима киради?

Сўзлаб бериш методи қандай усулларни ўз ичига олади?

Асосий фаолият методи?

Мустақилликнинг 14 йиллик байрамига ва билимлар кунига бағишилаб ўтказилган байрам дастурининг Сценарийси

Бошловчилар:

1. Ассалому алайкум устозлар ва болажонлар, ота - оналар, сизлар билан ушбу шодиёна кунда учрашиб турганимиздан баҳтиёрмиз.

2. Бугун ўзгачадир жумлаи олам,

Бугун ўзгачадир борликда ҳанда

Бугун кўзларимга ҳудди қуёш ҳам

Билим масканига зиё сочмоқда

(Давлат мадхияси янграйди)

1. Ассалому алайкум Келажаги буюк давлатимизнинг эртанги куни эгаси бўлган ёшларни тарбия қилётган ҳурматли устозлар ва болажонлар!

1. Элимизда бугун билимлар куни

Илму зиёни улуғланг ёшлар

Келажаги буюк Ўзбекистонни

Хакчил фарзанди бўлинг ёшлар

2. Азиз ёшлар, ҳурматли устоз -у мураббийлар кечагина мустақиллигизнинг 14 йиллик тантаналарини нишонладик. Биз сизлар билан

шундай ажойиб кунларда кўришиб турганимиздан беҳад хурсандмиз ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни мана шу қутлук айём билан муборакорд этишга ижозит бергайсизлар.

1. Бугун эса озод ва обод диёrimизни ҳар бир билим масканларида, мактаблар, коллежлар ва олий ўкув юртларида катта байрам -Билимлар куни нишонланмоқда.

2. Шу муносабат билан мана шу 2 улуғ санага бағишлиланган боғчамизда йиғилишни очиб бериш учун сўзни боғча раҳбари, ҳурматли устозимизга берамиз! Марҳамат!

1. Яратганга беадад шукурлар бўлсинким, Ал -Фарғоний, Ибн Сино, Нақшбандий каби олиму уламо фарзандларни етказиб берган халқимиз бошида истиқлол қуёши порлаб, қисқа фурсат ичида Республикашимизда тарих зарваракларига зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзигўлик кўплаб ишлар, ислохатлар амалга оширилди.

2. 1991 йил 31-август. Бу сана танти ва мард, очик кўнгил ва меҳмондўст, ҳалол ва меҳнаткаш ўзбек халқи ҳаётида ёрқин из қолдирди. Халқимизнинг , ота - боболаримизнинг, аждодларимизнинг азалий орзўлари рўёбга чиқди. Шу куни юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республикашимиз Мустақиллигини элон қилдилар.

1. Шу кундан бошлаб халқимиз , миллатимиз солномаларида янги сахифа очилди ва бу китобга Мустақил Ўзбекистон деб сарлавҳа қўйилди.

2. Шундан бошлаб ўтган 14 йиллик давр мобайнида мамлакатимизда кўплаб эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Келажак қўлида бўлмиш ёшларнинг камол топиб етук инсон бўлишлари учун 1997-йил 29-августда “Таълим туғрисида”га қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ этиб келинмоқда.

1. Давлатимизда йилдан йилга Ёшларга эътибор , халққа эътибор, юртга эътибор тобора кучайтирилиб борилмоқда. 2003 йил “Обод маҳалла йили” обод маҳалла, обод уй, обод ватан деганидир. Зеро бугунги кун Ўзбекистони юксак ўзгаришлар ва қурилишлар диёрига айланиб улгурди.

2. “Кексаларини ардоқлаган халқ ҳеч қачон хур бўлмайди” дейишади донишманлар. Бу нақлни дилга тугиб муассасамизда ҳам доимий равища фахрийларимизни йўқлаб уларнинг доно маслаҳатларини олиб келади. Бугунги тадбиримизга муассасамизнинг тамал тошини қўйган, кўп йиллаб минглаб болажонларга устозлик қилиб эндиликда кексалик гаштини сураётган фахрий устозимизга сўз берамиз.

1. Ҳа, бундай эзгу васавобли ишлар, рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар, туб ислоҳотлар замирида кунни тунга улаб олиб борилаётган саъи-ҳаракталар, амалга оширилаётган одилона сиёsat, Ватани, халқи, миллати тақидир, келажаги ҳақида қайўуриш нурли истиқболини ўйлаш каби буюк инсоний фазилатлар ётибди.

2. Дархақиқат, Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида биз ўшларнинг баркамол вояга етишимиз, жамиятимизга , халқимизга комил инсон, етук мутахассис бўлиб улгайишимиз бораисда ҳам жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди . “Таълим тўғрисида”ги қонун,

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

1. Ёш авлодни тарбияладек заҳматли ишларда қўрсатаётган жон бозликлари учун муассасамизнинг бир гуруғ тарбиячи ходимлари ҳукумат томонидан тақдирланган. Эндиgi навбатни ёш авлодни тарбиялашдага ҳизматлари уун ҳукуматимиз томонидан мукофотларгандардан бирига берамиз.

2. Юртбошимиз биз ёшларга ишонмоқдалар, ишонч билдирилар. “Келажак албатта ёшларники бўлиши керак” деб умид қилмоқдалар. Президентимизнинг ушбу сўзлари биз ёшларнинг хамиша юрагимизда жаранглаб туради:

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт.”

1. Куни кеча диёrimизда Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байраси катта шодиёна, зўр хурсандчилик билан нишонланди. Биз ҳам боғчамиз мураббий ва болалари чин қалдан ушбу шодиёна билан муборакбод этамиз.
2. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги ҳамда бирлимлар кунига бағишлиланган мантанали йиғилишимиз ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Бугунги тантанали йиғилишимизда барчамизга омад тилаб якунлаш учун сўз навбатини боғчамиз услубчисига сўз берамиз.

«ТИЛ БИЛГАН - ЕЛ БИЛАДИ»

1. Бошловчи

Ассалом, еллар ичра қиёс елим,
Ассалом, чиройга танҳо тенгсиз тилим,
Маъно дурларин тердим сендан армонсиз Қалбда
мухаббатим сенга чексиз, тилим!

2. Бошловчи

Ассалом, ей она тилим жоним дилим, Бағримда
очилган хуш ифорли гулим!
Сен борсанки, дунёда бийрондир тилим, Сузласам
завқларга тулиб кетар кўнглим!

1. Бошловчи

Ха, она тилимиз ҳар биримизга жон каби яқин ва азиз, кунглимиизга чексиз суур бағишлиайди.

2. Бошловчи

Чунки она тили она сути орқали жон-жонимизга, қон-қонимизга сингиб кетган, шу сабабли бўлса керак, уни буюклиқда енг мўтабар зот онага қиёслашади ва «она тили» деб еозлашади. 1. Бошловчи

Абдулла Орипов «Она тилига» шеър.

То тирикман, ҳаётда мудом
Она тилим, сенсан ҳамроҳим,
Агар сендан етсалар жудо

Кўкни қамраб фарёдим - охим
Сени тулиқ кашф етмок мушкул,
Поёни юқ кўпсан биларман
Мен кошинда тиз чукиб биткул,
Навоийдан қанот тиларман.

Қўшиқ

1. Бошловчи

Боболардан бизга мерос езгу тил
Авлодларга хазинадир бебахо
Қалбимизда рухимизда кўзгу тил
Бу дунёда бағишиламиш но даҳо!

2. Бошловчи

Халқимиздан етишиб чиқкан барча мутаффакирлар она тилига хурмат билан қараганлар. Айниқса бобомиз Алишер Навоий туркий тилимиз мавқеини ошириш йўлида кўп жомбозлик курсатганлар.

Уйин

Сахна кўриниши: Ойбекнинг «Навоий» романидан парча. Навоийнинг уйида ўша даврнинг машхур олим ва шоирлари Хасан Ардашер, Сухулий, Халолий ва бошқалар тўпланишган. Мажлисга Султонмурод бироздан кейин мавлоно Шахобиддин ва шоир Бинойлар келиб қолишади.

Султонмурод: Ассалому алайкум жаноблар. Мени маъзур тутгайсизлар, бироз кечикиб келдим.

Навоий: Хечкиси юқ марҳамат қилинг.

Султонмурод утиради. Мавлоно Шахобиддин Бинойлар келишади. Суҳийлий: (газал уқиб) Ушбу ғазалга не дейсизлар? Шахобиддин (кулиб) Билмоқдир туркий тилнинг истиқболи не бўлар екан? Бази шуароларнинг бу боладаги ҳаракатларига оз маъно кўурман. Оддий тош билан Бадахшон лаъли бошқа-бошқа нарсадир.

Хасан Ардашер: Тақсир! Туркийнинг балогат ва камолоти мавлоно Лутфийнинг ва Алишер жанобларининг ғазалиётига офтоб каби ноёб бўлди. Завқ ва севги сохиби бу ҳақиқатни инкор қила олмайди.

Шахобиддин: Фирдавсий ҳам Низомийнинг Хамсаси асли зотида илхом ва шеър учун яратилмишки, бу ҳақиқатга бутун тарих гувоҳдир.

Биноий: Улуғ зотлар! Чорсудаги темирчилар кўчасидан ўтганмисизлар? Уларнинг тароқ-туруқлари қулоқларга мих қоққандан баттар азоб. Узбек ғазалларини тинглагандан ҳам айни азобни хис етурмен.

Навоий: Жаноблар! Биз форс тилининг қудрати ва аҳамиятини инкор етмаймиз. То гўдакликдан бошлаб форс тилида ҳам қалам сурмоқдамиз. Аммо тилимизни афзаллиги биз учун улуғ ҳақиқатдир. Биз гудакликдан унинг ишқини кўнглимизга жо қилмоқдамиз, улгунимизгача бу ишқни сақлаймиз шаҳарларни, қишлоқларни тўлдирган ел-улусимиз бор, унинг ўз завки, фахмидроқи бор. Биз елимининг завқини назарда тутиб унинг ўз тилида қалам

сурайлики, унинг кўнгли филер ўйлари билан тўлсин! Туркона сўз билан тараннум етайлики елнинг юраги мавжга келсин.

Кўшиқ

2. Бошловчи

Суз мулкининг султони хазрат Навоий айтган еканлар: «Кунгил хазинасининг қулфи тил, ул хазина калити сўз бил. Бир замонлар ўтди. Кунгил хазинамиз миллий қадрятларимиз манавиятимиз, тилимиз, тарихимизга қулф солди. Кунглими из қулфи беомонлар бўронлар захмидан занг босди.

Она тилим

Она тилим - онажоним тили бу,
Бешикданоқ сингган жон-у қулоққа.
Ел-у юртим хонимоним тили бу,
Қадимликда ухшар она тупроқа

Ўқувчи.

Боболардан бизга мерос езгуди тил
Авлодларга хазинадир бебахо
Қалбимизга, рухимизга кўзгу тил
Бу дунёга бағишлаймиз не даво

Ўқувчи.

Ёмонларнинг чексизлиги
Ҳам самимий, ҳам ҳовури
Онажонлар алласидан,
Кўз ёшидан, оқ сутидан,

Ўқувчи

Туқайларнинг тенгсизлиги
Жилғаларнинг шўх ғовури
Йигитларнинг ялласидан
Сулувларнинг суктидан,

Ўқувчи

Ёғрилган тил - она тилим.
Дарёларнинг тошқин пайти
Арслон янглиғ ариллаши,
Довонларнинг кўк қиёси.

Ўқувчи.

Қорли тоғлар жилосидан
Чўпонларнинг қамиш байти,
Чилдирманинг дариллаши,
Гўрўғлини давосидан
Туғулган тил она тилим

Ўқувчи.

Алпомишнинг давосидан
Туғулган тил она тилим

Тулпорларнинг оловлиги
Тош чақиши оловлиги

Ўқувчи.

Боболарнинг олтин сузи,
Бўёқчининг ўланидан,
Тўқувчининг анқовлиги
Чилангарнинг далғовлиги

Ўқувчи.

Бу тупроқнинг қўш хўқизи
Кушчисидан ҳам қуланидан
Яралган тил она тилим ...
Шу тупроқнинг жон аямас

Ўқувчи

Тарлонлари, бургутлари,
Келинларнинг дилшодлиги,
Ёр-ёрларнинг жарангидан
Босқинларнинг бедорлиги.

Ўқувчи.

Бувиларнинг ўгитлари, Думбаранинг мунгдошлиги,
Дуторларнинг ҳам таранглигидан Таралган тил - она тилим
Ўқувчи.

Боболардан бизга мерос езгу тил!
Қалбимизга, ж онимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бергай хали кўп даҳо.

Кичик бир куриниш.

Раъно: Привет Замирчка қаерларда преподат қилиб юрибсан
кўринмайсан.

Замира: Ой Раношка знаеш ишларим жуда кўп бу ёқда егзаминлар яқин.

Раъно: Даа-а тест дегани қаттан чиқди ўзи одна галаваломка:

Замирчка: Ей бўлду нервларим бирам чарчадики.

Раъно: Вот бизнигига кел маза қилиб оттихат қиласмиз классний
касеталар бор видео кўрамиз.

Замира: Юк немогу мамашкани уговариват **қилиш** мумкин лекин
Пахан қўймайдида шу жуда чатоқ.

Раъно: Ну что хўп звонит қилиб тур.

Замира: Ладно пока.

2. Бошловчи:

Лекин булут офтобни Боқий тўсиб туролмайди. Бугун чарогон кун
келди. Тил ҳам дил ҳам кунгил хазинаси ҳам енди ўзимизники. Бугун миллат
ўз вужудига чапланган қора бўёқларни ўзи ювяпти.

1. Бошловчи:

Сен ўша-Навоий қалбига соган вола,
Сен - шох Машраб сатрларидан томган жола,
Сен - Бобур аш оридан тўкилган нола,
Оромбахш, нозиктаб, нуктабоним менинг
Бол каби ширин туркий забоним менинг.
Сен емасми Қодирий дилида армон?
Ҳар сузинг масих каби жонларга дармон,
Қадрингни кўтардику қутлуғ фармон,
Истиқлол тонгида топган шоним менинг
Бол каби ширин туркий забоним менинг

2. Бошловчи:

Она тилимиз жозибаси, таровоти хақида қанча гапирсак шунча оз.
Хазрат Навоийнинг «Чин суз - мутабар, яхши суз - муҳтасар» деган хикматларини ёдда тутиб сўзни муҳтасар етсак.

1. Бошловчи:

Дўстлар! Ғазал туркий шеватимизни унутмайлик, она тилимиз қадрини баланд тутайлик, токий у асрлар оша мағрур жаранглайверсин!

2. Бошловчи:

Тилимизни асранг ҳар недан ортиқ,
Ягона замонни асрагансимон.
Боболардан қолган бу ноёб тортиқ,
Токи авлодларга етсин омон!

Зал байрамга хос жиҳозланган, «Ватанимга хизмат қиласман» шиори тўрда - кўзга кўринарли жойди.

Залга болалар кўтаринки руҳда, аскарчасига шаҳдам қадамлар ташлаб кириб келдилар. (марш садоси остида)

Ярим доира бўлиб сафланиб, қадам ташлаб турадилар.

Тарбиячи: - би - икки -уч («Эркин» командасини беради)

Болалар: (тўхтаб): -Ассалому алайкум.

Тарбиячи:- ва алайкум ассалом, қадрли болажонлар! Ассалому алайкум, хамкаслар. Бугун 14 январ -Ватан ҳимоячилари куни. Мустақил Ўзбекистоннинг Куролли кучлари, миллий армия хизматчилари ўзларининг касб байрамларини кенг нишонламоқдалар. Улар Давлатимиз чегараларини , мусаффо осмонимизни, осойишта ҳаётимизни зийраклик ва мардлик Билан қўриқлаб турибдилар. Сиз , болажонлар, бўлажак аскарларсиз! Ҳаммангизни Ватан ҳимоячилари байрами Билан табриклаймиз.

Болалар: - Табриклаймиз! Табриклаймиз!

Тарбиячи: - Баракалла!

Болалар:- Ватанимга хизмат қиласман!

Болалардан бири: - Ҳар тон янграгай улуг мадҳияи,

Нурли келажакка бошлар мадҳиям!

Болалар ғинг кўлларини кўксиларига - юрак устига қўйиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини куйладилар.

Алишер:- Хуш келибсиз, меҳмонлар,

Даврамизга марҳабо.

Ўзбекистон байроғи,

Хилпирасин доимо.

(Аскар либосидаги 2 бола байроқни виқор Билан кўтариб олиб киради ва тўрга жойлаштиради.)

Аскар кийимидағи болалар: - Бўлажак ёш аскарлар байрам тантанасини бошлашга тайёрЁ

Тарбиячи:- Марҳамат бошлаймиз!

(2 нафар қиз «Забардаст фарзандларинг бор» кўшиига рақс ижро этадилар).

Шу пайт даврага хат ташувчи кириб келади. Тарбиячи ва болалар Билан саломлашиб мактуб олиб келганлигини айтади.

Тарбиячи(хатни очиб ўқиёди). Ассалому алайкум, азиз болажонлар! Сизларни 14 -феврал Ватан ҳимоячилари куни Билан табриклаймиз. Биз, Аскар акаларингиз сизларга бир совға тайёрладик. Уни олиш учун сизлар бир неча саволларимизга жавоб беришингиз , топқир ва чаққонлигингизни намойиш этишингиз даркор.

Биринчи савол:- 14 - феврал қандай байрамни нишонлаймиз?

Болалар:- 14- феврал Ватан ҳимоячилари куни.

Тарбиячи :- Раҳмат.

Болалардан бири:- Ватанимга ҳизмат қиласман!

Иккинчи савол:- Қандай ҳарбий машқларни биласиз?

(Иккинчи саволга жавобан 4 нафар бола ўртага чиқиб, ҳарбий машқларни мусиқа садоси остида кўрсатиб берадилар.)

Тарбиячи:-Раҳмат.

Болалар:-Ватанимга ҳизмат қиласман!

Учинчи савол:-Мақол ва ҳикмтли сўзларни биласизларми?

Болалар: 1. Билаги зўр, бирни йиқар

Билими зўр мингни.

2. Мард майдонда билинар

3. Бирликсиз куч бўлмас.

4. Интизомли қўшин енгилмас.

5. Машқда қийин бўлса,

Жангда осон бўлади.

(Болалар иштирокида саҳна кўриниши. Она ўғилни ҳарбий ҳизматга кузатяпти)

Бола: (хурсанд) -Онажон, манна, ҳарбий ҳизматга чақирув қофози.

Эртага дўстларим Билан бирга ҳарбий хизматга жўнайман.

Она: (иккита нонни жуфт ҳолда, тишлатиб, биттасини сафар халтасига солиб беради).

-Йўлга йўлдош бўлсин. Биринчи уй тўрида саклайман. Эсон - ОМОН келганингда насибанг ўзингга буюрсин. Болам, ой бориб, ОМОН қайтгин.

Бола: -Генерал бўлишна орзу қилмаган Аскар - Аскар эмас.

Тарбиячи: -Раҳмат, болажонлар! Сизлар -бўлажак ботир аскарлар, она ер, сусаффо осмонимиз посбонлари эканлигингизни тўғри англаш етибсиз.

Бир қиз: -Қизлар ҳам ҳарбий ҳизматга чақириладими?

Тарбиячи:-Бу жуда тўғри савол бўлди. Қизлар ҳарбий ҳамширалиқ ҳизматига чақириладилар.

Қиз:-Тинчлик бўлсин дунёда!

Аскар бола: -Ғам чекмасин оналар!

1-бола:- Ғам чекмасин оналар!

2- бола:- Омон бўлсин оталар!

(Болалар ўринларидан туриб, қўл ушлашиб, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» қўшиғини биргаликда куйлайдилар. Шеърлар ёд олишади.

Хат ташувчи:- Баракалла , офарин! Сизлар жуда зукко, мард, эпчил болалар экансизлар. Аскар акаларингизга салом ва табрикларингизни , шунингдек, таасуротларимни ҳам етказаман. Сизларга Аскар акаларингиздан совға келтирганман. Ҳозир сизларга шуни топшираман. Ҳар хил суратли китобларни болаларга топширади ва хайрлашиб кетади.

(«Сенинг фарзандларинг, Ўзбекистон» қўшиғи садоси остида ҳарбийчасига шахдам қадамлар Билан болалар залдан чиқиб кетишади.)

Баҳор еллари.

Байрам сенарийси.

Карнай -сурнай ва ноғаранинг чорловчи садоси остида икки томондан жарчи болалар илдам чиқиб келишади -ю қўлларини карнай қилганларича ҳитобга чоғлашади.

1 -жарчи:

- Одамлару одамлар,
Боғда пишган бодомлар,
Эшитмадим деманглар,
Эшитганлар жилманглар!

2-жарчи:

-Кўрганлар дармонда
Кўрмаганлар армонда!

1-жарчи:

-Наврўз шодиёсанасига марҳамат қилинг.

2-жарчи

-Ажойиб томошалардан баҳраманд бўлинг! Сизлар учун...

1-жарчи (давом эттиради):

-Етти еримиздан бел боғлаб ҳизмат айлагаймиз. Сиз азиз меҳмонлар ҳизматизда...

2-жарчи:

-Навқирон болалару, моҳир спортчилар, қизиқчи - ю масқарабозлар, дилбар раққосалару дилга ором берувчи булбулнафас хонандалар шайланишган.

Ҳамда...

1-жарчи:

-Ҳамда ўзларининг истеъдодларини ижодларида жилвалантирган ёш мусавирлар, ҳаваскор сураткашлар, назм ва наср бўстонида қалам сураётган қаламкашлар, қўйинки қўли гул хунарманд тенгдошларимизнинг ижод намуналари намойиш этулгисидир.

Иккинчиси:

-Шошилинг, азизлар, шошилинг, даврамиз сизга мунтазир.

(Улар икки ёққа айриладилар «Бахр валҳси» куйи остида миллий либослардабошловчилар -қиз ва йигит чиқиб келишади).

Қиз:

-Яна баҳор кезді Янги оламда, ажыб бир гүзәллик, ажыб бир баёт. Мен сени қутлайман қутлуғ шу дамда.

Азиз замондошим, музaffer ҳаёт .

Йигит:

-Кизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам, Тошқинлар тұқилар қылбимга маним. Наврүзинг муборак бўлсин Ушбу дам, менинг Ўзбекистон - дилбар Ватаним!

Қиз (таъзим Билан):

-Ассалому алайкум, азиз дўстлар, муҳтарам ва муҳтарама меҳмонлар!

Йигит:

-Ассалому алайкум, қадрли устозлар, меҳридарё ота -оналар! Борлик мусаффо, табиат уйғоқ. Жилғаларнинг жөшқин жаранг , шиша каби шаффоф фалакни тутган турли - туман қушларнинг чуғурчуғурлари дилларни олам олам севинч ва баҳорий кайфият ила чарапон этга. Қиз:

-Гул ғунчалари каби очилиб - сочилған шўх қизлар қўм -қўқ майсалар, ниш урган ўт -ўланлар, ялпиз сиёҳранг қулоқ берган ариқ бўйларида соchlарига толпопук тақиб, бошларига гулчамбар қўйдирғанларига завқи тошади кишининг. Бўз балакайларнинг қийқириқларини тинглаб беихтиёр дил - дилинг шодликка тўлади.

Йигит:

-Барчанинг юзида табассум, кўзларида таасум. Бу албатта, қалб кечинмаларининг табиий нишонаси. Гўё борлик ила кишилар табиати ҳам бир қадар ёшарган, бир қадар умр поғонасида юксалган.

Қиз:

-Навбаҳор таърифи чексиз. Наврӯзи олам таровати сизларни чин қалдан муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Йигит:

-Азиз дўстлар Ушбу айёмингиз қутлуғ бўлсин.

Қиз:

-Хонадонингиздан қут - барака, баҳорий кайфият аримасин!

Йигит:

Наврӯз келинчакдек , гўзал, мафтункор!

Қалбингда баҳорий нафосат бисёр.

Ўзини кўз -қўзлаб кезар бетакрор,

Адиrlар бағрида ёнар лолазор.

Қиз:

-Табиат оқ кўнгил. Унинг поклиги рамзи ҳам неъматида мужассам топган.

Кумуш қишининг қорлари оппоқ, баҳор фаслиниң гулғунчалари оппоқ.

Ҳатто тиришкор дехқонларимизнинг қалб харорати ва ғайратларидан тошиб дунёга келган момиққина паҳтамизниң, пилламизниң ранги ҳам оппоқ.

Йигит:

-Даврамиз меҳмонлар Билан файзли. Сиз азизларнинг кўнгилларингизни хушнуд этиш орзусида фасллар келинчаги Баҳорий кечамиз сабабчиси Наврўзойлар ваш у Билан бирга Бобо дехқон, момоер, қуёшбоболар ташриф буюрдилар. Қани шух қўшиқ Билан уларни кутиб олайлик (баҳор қўшиғи янграйди).

Баҳор(таъзимда):

-Шовуллаб оқади ўйноқи анҳор,
Наврўз ой сулув қиз ювор юзини.
Баҳорий шафтимга шукронга айтиб,
Айтади қалбдаги қайноқ сўзини

Наврўз ой:

-Куёш кулар,
Менинг илхомим.

Худи шу жилвадек тўқилар бехос,
Гуллар оғушида бўламан сармаст,
Юракдан жой олар илохий хавас.

Куёш бобо:

-Табиат уйғонар

Ажиб мўжиза

Лолалар безайди адиру қирни
Замин узра Майнин майсалар
Охиста сўзлашар баҳорий сирни

Момо ер:

-Ток отади дехқонга пешвоз,кўкси тўлиқ чексиз завқларга,
Дехқон эса унга сарафroz,
Тўлдиради ризқ -рўзни зарга.

Дехқон бобо:

-ғунчалар бошида жилвагар офтоб
Бир Янги тонг отиб келмиш жаҳонга
Кирларда югурап охудек иштоб,
Наврўз кириб келди Ўзбекистонга.

Қиз ва йигит (бароварига):

-Дехқонларнинг туши ўнг келган кун бу,
Кеча - кундоузимиз teng келган кун бу
Одамзодга Дуне кенг келган кун бу
Ассалом баҳорим, ассалом Наврўз.

Баҳорой:

-Азизлар , Наврўзи олам тухфаси сифатида ўзимиз Билан бир қучоқ ниҳоллар келтирганмиз. Анна шу ниҳолларни ҳашар йўли Билан меҳмонлар иштироқида ўтказиш ниятидамиз.

Қиз:

-Ташаккур, Баҳорой. Армуғонингиз келажак авлодларнинг ризқу насибасига айлансин.

Болалар жўрлигига қўшиқ янграйди.

Йигит:

-Зафар сизга ёр бўлсин!

Кўшиқ янграйди. Даврага шў қийқириқлар остида Насриддин Афанди бошчилигида асар қахрамонлари кириб келишади. Хўжа Насриддин хачри устида, шум бола кенг шалварининг киссасидан нимча ушатиб чаққанча хуллас ҳар бир и турли кўринишда намоён бўлишади.

Шум бола (Ҳавони исказ ҳайрон аланглайди):

-Афанди тоға, бир ниманинг бўйи келяптими?

Афанди:

-Вой, қитмир -ей ўзингни қадрламасанг ҳам, қориннинг иззатини биласан -а!

Шум бола (керилиб):

- Бўлмасамчи, ахир ернинг остида илон қимир этса думидан ғарчча эзадиган менман -ку!

Нўхат полвон (гапга аралашиб):

- Қайнонанг хуш кўрса Ош устига борасан. Сумалакка тўядиган маҳал ҳам бўлар экан -а шунисига шукур.

Киммат (Зумрадни турткилаб):

-Қани косалардан олингда, сумалакка чопқилла! Қорин пиёзнинг пўсти бўлиб кетди. Йўл йўлакай иссиқ нондан ҳам тўрттошна ола кел! Чўчима нонвойлар ўзимизники. Хов, хов косанинг каттароғидан олингми, ишқилиб? Шундоқ бўлсин.(Қомонларга қараб, қорнини пайпаслаб):

Қорнимнинг очлигидан сенлар ҳам қуюшқонга қисилатаверма!

Шум бола:

-Тўгри айтасан, ўқишини - ёзишни билмасанг ҳам биноийдек калланг ишлайди. Ахир бугун байрам. Сумалакка бир тўяйлик. Кўк сомса, кўк чучвара, кўк патир, кўк мантии...

Афанди:

-Э, бўлди - е! Яхшиси, аралаштиромай егин.

Киммат (хо -холаб кулади):

- Хов анна Зумрад келяпти. Ортидагилар хизматкорларми дейман?

Худи кеча тухимдан чиққан жўжўлардек лиbosлари, бўйлари бир хил -е!

Нўхат полвон:

- У замонлар ўтиб кетган. Бу хизматдаги мезбон болалар. Бизнинг хурматимиз учун.

Бошловчи қиз:

-Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар. Тадбир Билан ондармон бўлиб сезмай қолибмиз узр.

Афанди:

-Хечқиси йўқ. Ҳушвақт бўл!

Йигит:

- Қани давра тўри сизларга муштоқ.

Кўшиқ янграйди, сахна кўриниши.

Қиз:

-Жажжи гўдакларнинг маҳсум лабида,
Донишманд боболар очик таъбида,
Яшил ниҳолларнинг ҳар маблабида

Нозланиб - нозланиб кўз очар Наврўз.

Йигит:

-Қалдирғоч қаноти қизлар қошида,
Голбаргак тўлғонар чалвир сочида,
Юракни ўйнатиб хис талашади.

Нозланиб -нозланиб кўз очар Наврўз.

Иккиси:

-Кирққулоқ қозонда қайна сумалак,
Борлиққа сеп ёзар зангор камалак,
Товозе - таъзимад дилбар келинчак,
Нозланиб - нозланиб кўз очар Наврўз.

1-жарчи:

-Эҳ-хе-хе! Одамлару одамлар,
Боғда пишган бодомлар,
Эшитмадим деменглар,
Эшитганлар жилманглар!

2-жарчи:

- Оёқни қўлга олинг,
Сумалакка қўл солинг,
Есангиз берар дармон,
Арийди дилда армон.

Байрамнинг қолган қисмини баҳор , наврўз ҳақидаги қўшиқлар ва шеърлар
Билан давом эттирилади.

Мехрижон байрами:

Полиздаги хангома.

(ѓрта гурух учунбайрам эрталиги).

Зал байраомна безатилган. Ўртадаги маҳсус жойга турли сабзавотлардан намуналар қўйилган. Мусиқа остида залга сабзавотлар қиёфасидаги иштирокчилар кириб, саҳна ўртасига ўтиришади. Ҳашаротлар қиёфасидаги иштирокчилар келиб, сабзавотлар тинчини бузишга ҳаракат қиласидилар. Ҳашаротлар -Сабзавотлар, уйғонинг , куз келди. Ширин бўлиб пишдингиз. Туинглар, туинглар..(Шундай деб учишади). Сабзавотлар бошини қўтариб бир -бирларига пи chirлашади.

Пиёз:- Куз келибди, эшитдингизми? Энди бизларни йиғиб - териб олиб кетишадими?

Картошка: - Ҳеч қаерга бормаймиз.

Сабзавотлар:- Ҳа, ҳеч қаерга бормаймиз. Сабзавотлар, барглар орасига беркингандар. Дехқон бобо қопини қўтариб келяптилар, уйғонинглар келиб бизларни териб кетадилар.

Залга катта ва ўрта гурух болалари кириб келадилар. Болалар биргаликда «Олтин куз» қўшиғини куйладилар.

Тарбиячи:-Болажонлар , манна етиб ҳам келдик. Энди полизимизни бир айланиб чиқамиз. Сабзавотларимиз етилди.

Қаранглар, манна бу картошкаларнинг катталигини, помидорни айтмайсизми

қип -қизил бўлиб пишиди. Тарбиячи сабзавотларни қўлига олиб болаларга кўрсатади.

Тарбиячи:- болалар , бугун сабзавотлардан боғчамизга териб кетамиз.

Шу пайт сабзавотлар пичирлашиб, «Мени мақташди , мениям мақташди», -деб севинишади. Сабзавотлар болаларнинг мақтовларидан қувониб, «Биз сабзавотлармиз» қўшигини қўйлашади.

Тарбиячи:- Энди, болаонлар қизларимиз сабзавотлардан саватларига териб олсинлар.

Қизлар мусика садоси остида сабзавот тераётгандек ҳарака қиласилар. Сўнгра полизга йўл оладилар.

1-бала: - Боғча опа, қаранг, полизда қовун, тарвузлар роса пишиди, қовун сайлига борайлик. Полиздан катта қовун олиб чиқадилар.

Тарбиячи:- Болалар, қаранглар, қовунимиз жуда мазалига ўшайди. Ҳозир ўтириб, қовундан татиб қўрамиз.

Ҳамма болаларга ликопча , сочик бериб чиқилади ва тиликлаб қовун улашилади. Болалар қовун еб ўтиришганда , Шум бола ҳовлиқиб кириб келади.

Шум бола:- Вой, вой мени қутқаринглар. Мени дехқон бобо қувлаб келяпти.

Мен полиздан сўрамай бодирингларни ўғирлаган эдим. Менинг бу ердалигимни айтманглар.

Шум бола болаларнинг ортига беркинади. Дехқон бобо ҳафа бўлиб кириб келади.

Дехқон бобо:- Болалар , шу ердан шум бола ўтмдими, уни қўрмадингларми?

Болалар: -Кўрдик, кўрдик.

Дехқон бобо:- Қаерда?

Болалар у бекинган жойни кўрсатишадилар. Дехқон бобо Шум болани ушлаб олади.

Дехқон бобо:- Ҳа, қўлга тушдингми, энди сенинг тазириингни бераман.

Шум бола:- Бодрингларингизни бошқа ўғирламайман. Мени кечиринг.

Дехқон бобо:- Майли, бир сафа кечирамиз лекин бундан бўён сўрамай иш қилма.

Шум бола:- Дехқон бобо бодрингларингизни биттасини ҳам емадим. Манна , олинг. У бодрингларни бобога қайтаради.

Дехқон бобо:- Тўғри сўзлигинг учун сенга тўртласини бераман.

Шум бола: -Раҳмат, бобожон, мен бу бодринглар Билан ўртоқларимни меҳмон қиласман.

Дехқон бобо:- Дунёда энг ёмон нарса -ёлғон сўзлаш. Буни ёдларингдан чиқарманглар, энди мен полизга кетдим. Кўришгунча, хайр, болажонлар!

Тарбиячи:- Болалар, юринглар, боғимизга кетдик.

Боққа етиб келишади. Уч туп мевали дараҳт қўриниб туради.

Тарбиячи:-Болажонлар, қаранглар , меваларимиз роса пишиди. Ким мевалар хақида шеър билади.

Болалар навбати Билан мевалар тўғриисида шеърларни ўқийдилар.

Тарбиячи:- Раҳмат, чиройли шеърлар экан, тўғрими? Энди қизларимиз қўшик ижро этиб, рақсга тушиб берадилар. Қизлар куйлаб, ўйнайдилар.

Тарбиячи:- болажаонлар, меваларни ўз қўлингиз Билан теришни истайсизми?

Улар олма дарахти ёнига борадилар.

Тарбиячи:- Вой, болалар қаранглар, олма узмокча эдим, бу ерда қандайдир хат ёзилган экан. Қани ўқийлик -чи. «Ким топишмоқни топса, мевадан олсин» деб ёзилиби.

Топишмоқ.

Қишда ухлаб яланғоч

Баҳор қуяр яшил соч. (Дарахт)

Топишмоқларни топиб олмлаарни териб оладилар. Болалар нок дарахтидаги саволни ҳам ўқишиади. Бу ерда ҳам топишмоқ ёзилган бўлади.

Топшимоқ:

Гулсиз мева қиласди,

кўп есан -тил шилади. (Анжир)

Топишмоқларни топиб нокни саватга солишади.

Шафтоли дарахтининг олдига боришади.

Шафтоли овози:- Ким тез айтишда биринчи ўринни олса, меваларимдан олсин.

Тез айтиш:

Саиданинг соати саккизда тўхтади.

Тарбиячи:- Энди, болалар, «Полизда» қўшигини биргаликда куйлаймиз.

Кенг тердик саралаб.

Тарвуз сиғмас қучоққа,

Дўстлар , келинг бўёққа,

Танлаб олик бир -бирин,

Сўйиб едик, оҳ, ширин,

Дехқон бобо Саидаҳмад,

Доим бўлсин саломат. (Анвар Обиджон)

Тарбиячи:- Азиз болажонлар, байрамимиз якунига етди. Энди гурухларимизга бориб дам оламиз.

Болалар биргаликда мусиқа садолари остида гурухларига қайтадилар.

Акцент	-кучли товуш, нота ёзувида акцент алоҳида белгиланади.
Альт	- (хорда-жўр навозда) аёлларни паст товуши.
Ария	- овоз учун мусиқа асари оркестр билан
Бас	- эркакларнинг паст товуши.
Вальта	- мусиқа асарни такрорлаш бўлгиси.
Гамма	- тепага ёки пастга жойлашган товуш қатори Диапазон
	ёки мусиқа асарни товуш объёми.
Дирижёр	- хор ёки оркестрнинг раҳбари.
Дуэт	- икки ижрочилик ансамбли.
Звукоряд	- нотада жойлашган товушқатор.
Интервал	- масофа, бирин кетин ёки бир вақтда олинган товушлар.
Контрас	- ранглар қарама-қаршилиги.
Латент	- Зёшли болаларда маълум вақтдан даври кейин асарни ижро этиш.
Метр	- мусиқада кучли товушни бирин кетин алмашиши.
Нотный	- товушлар жойлашган чизик стан
Опера	- йирик мусиқа жанрларидан бири
балет	
Октава	- 6 товуш оралигини ўз ичига олган масофа
Пауза	- тухталмиш
Ритм	-бир текис оқим
Симфония	- Оҳангдошлар.
Тембр	- товушнинг сифат хусусияти.
Темп	- мусиқада тезлик ихтирочилиги.
Увертюра	- операга еки драмага кириш қисми
Финал	- мусиқа асарини тугаган қисми.
Фортепиано	- мусиқа асбобини номи.
Хор	- жўр навоз
Цезура	- мусиқа асарнинг оралағида қисқача тухташ.

Адабиётлар:

- 1.Р.Т.Акбарова. Нафосат тарбиясида узвийлик.
- 2.Ж.Бошлангич таълим 1999 йил №5.
- 3.Акбарова. Мусиқа рақс маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент, 1998 йил.
- 4.3.Эгамбердиев қайта ишлаб нашрга тайёрланган. Мусиқа сеҳрлари., 1981 й.
- 5.Р.Т.Акбарова. Мусиқа бўлими. Тошкент. "Ўқитувчи", 1998 йил. Болалар таълим-тарбия дастури.
- 6.А.В.Кенеман,Н.А.Ветлутина "Мусиқа таълим тарбия методикаси", М.,1985.

МУНДАРИЖА:

1. Кириш	3
2. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар мусиқа тарбиясининг вазифалари.....	3
3. Болалар мусиқавийлиги структураси ва улар ривожланишининг ёш хусусиятлари	8
4. Мусиқавий сенсор қобилият	11
5. Мактабгача ёшлардаги болаларга мусиқавий таълим -тарбия бериш методлари ва услублари	12
6. Мустақилликнинг 14 йиллик байрамига ва билимлар кунига боғишилангаб ўтказилган байрам дастурининг сценарийси.....	20
7. “Тил билган - эл билади”.....	22
8. “Баҳор еллари” байрам сценарийси	28

